**(Давоми. Боши 1-бетда).**

# ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

Вилоятда маънавий муҳитнинг бузилгани, айрим раҳбарларнинг орқасида суянган тоғи, ҳимоячиси борлигига ишонгани нақадар хунук оқибатларга олиб келганини яна шундан ҳам сезиш мумкинки, **1995-1998 йилларда бир қанча раҳбар ва мансабдор шахслар устидан жиноий иш қўзғатилди.**

Жумладан, ўзларига юклатилган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганликлари учун "Ғаллабанк"нинг вилоят бўлими собиқ бошқарувчиси **И.Саъдинов,** Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки вилоят бўлимининг собиқ бошқарувчиси **Ж. Неъматов**, "Навоий дон маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятининг собиқ раиси **А. Адизов,** Навбаҳор тумани ҳокимининг собиқ ўринбосари **Э. Эрназаров** жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳокимнинг яна бир ишонган кадри — вилоят молия бошқармасининг собиқ бошлиғи **А. Раззоқов** миллионлаб сўм бюджет маблағларини доимий равишда ўзбошимчалик билан сарфлаган. Ўзига бюджет ҳисобидан хизмат машинаси сотиб олган. Беморларнинг озиқ-овқатига ажратилган маблағлар ҳисобидан касалхоналарнинг бош врачларига енгил автомобиллар олиб берган. Жаноб Раззоқовнинг "саховати" туфайли "Зарафшон" футбол клуби ривожи учун мўлжалланган пул ҳисобидан вилоят спорт қўмитаси раҳбарига енгил машина теккан. Бундан ташқари, ҳар бир тийинни тежаши лозим бўлган вилоят молияси мутасаддиси турли фирмаларга халқ меҳнати эвазига топилган пулларни "инъом" этган. Бу каби ҳотамтойликнинг туб сабабларини тегишли органлар пухта текшириб, ўз хулосасини чиқариши лозим, деб ўйлаймиз.

Энди қуйидаги мисолга эътибор беринг: вилоят марказида йўловчи қатновини яхшилаш мақсадида "Навоийтроллейбус" уюшмаси тузилган эди. **Тўрт йил бўлдики, ташкилот бор-у, аммо троллейбусдан дарак йўқ.** Маълум бўлдики, уюшма раҳбари **Х. Рустамов** мазкур корхонада жинояткорона "оилавий пудрат" тузиб, яъни ўғли, укаси, синглиси ва ҳоказо қариндошлари билан ўзаро тил бириктириб, ташкилотнинг катта маблағларини талон-тарож қилган экан.

Бу каби иллатларнинг илдизи, негизи қаерда? Нега вилоятда қонун ва тартиб бу қадар оёқости қилинди?

Қонун бажарилишини назорат қиладиган, давлат бойлигини ҳимоя этувчи, айни вақтда инсоф ва диёнатни унутган кимсаларни, айниқса, ҳаддидан ошган, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, қутуриб кетган бундай раҳбарларни тартибга чақирадиган одам борми ўзи?

Куни кеча Самарқанд вилоятида раҳбар маънавияти, унинг жамият олдидаги бурчи ва масъулияти ҳақида аччиқ гаплар айтилди, дея эслатди Ислом Каримов. Самарқандда айтилган бир гапни яна бир бор таъкидлаш жоизки, эл ишониб топширган вазифани суиистеъмол қиладиган, шахсий манфаатини халқ ва давлат манфаатидан устун биладиган, ўзига ортиқча бино қўйиб, барчанинг нафратини қўзғатадиган раҳбарлар билан асло келиша олмаймиз! Одамлар ишончидан маҳрум бўлган бундай кимсалар ўрнини бўшатиб бериши керак. Уларни қонун асосида жавобгарликка тортиш лозим.

Бу бало-қазодан қандай қутулиш мумкин, бу муаммонинг қандай ечими бор?

1) Эски асоратлардан халос бўлган, замон талабига жавоб берадиган ёшларни қўллаб-қувватлаш;

2) Кўп партиявийлик асосидаги жамоатчилик назоратини кучайтириш, жамиятда демократик тамойилларни мустаҳкамлаш;

3) Мулкчилик масаласини ечиш;

4) Соғлом кучларни бирлаштириш ва янги ҳаракат, сиёсий кучлар фаолиятига йўл очиб бериш.

Ишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, раҳбарларнинг ўз манфаати, ўз ташвиши билан оворалиги шунга олиб келдики, Навоий вилояти жиноятчиликнинг ўсиши бўйича мамлакатда энг биринчи ва энг аянчли ўринда турибди. Бу ерда умумий жиноятлар сони ҳар минг кишига ҳисоблаганда, республика кўрсаткичидан 24 фоиз кўпдир.

Бизнингча, бу ҳолнинг сабабларидан бири вилоятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг иши мутлақо қониқарли эмаслигидадир. Шу боис вилоятда юз бераётган қатор қотилликлар, ўта шафқатсизлик билан содир этилган жиноятлар жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, хусусан, ёнилғи-мойлаш материалларини ғайриқонуний сотиш, маҳсулотлар сифатини белгиловчи ҳужжатларсиз савдо қилиш, солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш, харидор ва буюртмачилар ҳақига хиёнат қилиш, бозорларда савдо қоидаларини сурункасига бузиш ҳоллари ҳам кўпайиб бормоқда.

Бу каби хунук иллатларнинг олдини олиши ва уларни бартараф этиши лозим бўлган масъул шахсларнинг ўзи жиноятга қўл урса, бунга қандай тоқат қилиб бўлади?

Қуйидаги фактларга эътибор беринг: фақат 1997-1998 йилларнинг ўзида вилоят ички ишлар ходимларидан 32 кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Улар жиноятларни фош этиш ўрнига жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилмаслик, жиноятлар сонини ҳисобдан яшириш йўлига ўтиб олишган.

Вилоятда уюшган жиноятчиликнинг, коррупциянинг чуқур илдиз отгани ва бу ҳолнинг жамият ҳаётига таҳдид солаётгани, айниқса, ташвишлидир. Бу ҳолга кескин чек қўйиш ва зарба бериш лозим.

Бизнинг халқимиз жуда олижаноб, унча-мунча қийинчиликларни писанд қилмайдиган, ҳар нарсадан ҳам нолийвермайдиган халқ, дея давом этди Президент. Шу сабабки, бировдан ҳол-аҳвол сўрасанг, энг ночор ҳолатда ҳам, "худога шукур, яхши", деб жавоб беради. **Лекин азиз биродарлар, тушунинглар, ҳар қандай сабру тоқатнинг ҳам чеки-чегараси бор. Халқимизнинг бундай тантилигини, бағри кенглигини суиистеъмол қилмаслик керак.**

Энди шу нуқтаи назардан, оддий халқ учун энг зарур, энг ҳаётий эҳтиёж бўлмиш соғлиқни сақлаш, мактаб-маориф, маданият ва бошқа ижтимоий соҳалар аҳволига бир назар ташлайлик.

Вилоятда бемор болаларни даволаш ўринлари кейинги уч йил мобайнида 26 фоизга камайиб кетган. Оналар ва болалар ўлими бошқа вилоятларга нисбатан 10 фоизга кўп. Умуман, аҳолининг касалланиш даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан 20 фоизга ортиқдир.

Маҳаллий бошқарув органларининг эътиборсизлиги туфайли Томди, Конимех туманларидаги қишлоқ тиббий муассасалари аҳолига зарур ёрдам кўрсата олмаяпти. Улар ўз вақтида дори-дармон билан таъминланмаяпти. Вилоятда ҳанузгача ихтисослаштирилган кардиология, онкология ва эндокринология диспансерлари мослаштирилган биноларда ишламоқда.

Маориф соҳасига келсак, вилоятдаги мактабларнинг 60 фоизи шароити чекланган, мослаштирилган биноларда жойлашган. 8 та мактаб биноси эса мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ҳар тўрт мактабнинг учтасига газ ўтказилмаган. Жами мактабларнинг ярми тоза сув билан таъминланмаган. Мактабларнинг аксариятида ошхона ва спорт заллари йўқ.

Таассуфлар бўлсинки, энг янги, кечагина қуриб битказилган мактабларда компьютер ва бошқа замонавий жиҳозлар уёқда турсин, оддий ўриндиқлар ҳам етишмайди.

Жиҳозлар ўз йўлига, лекин вилоят мактабларида биз умид боғлаган, келажагимиз вориси бўлмиш ёш авлодга атиги 10-синф маълумотига эга бўлган 422 нафар ўқитувчи сабоқ бераётганига қандай чидаш мумкин?

Вилоятда аҳолини газ ва тоза сув билан таъминлаш ҳануз катта муаммолигича қолмоқда. Навбаҳор, Қизилтепа туманларида тоза ичимлик суви билан таъминлаш 35-40, табиий газ билан таъминлаш даражаси Навбаҳор туманида 41 фоизни ташкил этади, холос.

Вилоятда уй-жой қурилиши 40 фоизга камайиб кетган. Зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса, ҳукуматнинг қишлоқ инфратузилмасини 2000 йилгача ривожлантириш ҳақидаги қарори, уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастури барбод бўлиши мумкин.

Навоий вилоятида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ишларига ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Вилоятнинг кўп жойларида, айниқса, Қизилтепа, Хатирчи ва Нурота туманларида 8 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сотувда йўқлиги учун оддий халқ олдида ким жавоб беради?

Пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам аҳвол ачинарли.

Вилоят бошқарув тизимидаги нуқсонлар, қонунбузарлик, жиноятчиликнинг хавфли даражада кўпайиши, энг аввало, жойларда маданий-маърифий ишларнинг, маънавиятнинг сусайиб кетганидан далолат беради. Янада аниқроқ айтганда, **республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят бўлими, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари иши замон талабларига жавоб бермайди.**

Буни шундан ҳам билиш мумкинки, кейинги йилларда Навоий вилоятида бирон-бир йирик маданий-маърифий тадбир ўтказилганини ҳеч ким эслай олмайди.

Ҳолбуки, мамлакатимиз аҳли жуда катта маънавий юксалиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз қайта тикланмоқда. Буюк аждодларимизнинг таваллуд тўйларини нафақат ўз мамлакатимиз, балки бутун дунё миқёсида нишонлаяпмиз.

Лекин Навоий вилоятида шундай бир кайфият ҳукмронки, гўё бу замин харитада кечагина пайдо бўлгандай!

Маънавият, тарихий хотира, миллий қадрият тушунчаларининг жамият ҳаётидаги, ёш авлодни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисида гапирар экан, йўлбошчимиз мажлис аҳлига мурожаат қилиб, шундай деди:

— Азиз биродарлар, барака топкурлар, айтинглар-чи, сизлар ҳар куни кўриб ва кезиб юрадиган Кармана шаҳрининг ёши нечада?

Ёки Чўли Маликдаги эски работ ва сардобалар қачон пайдо бўлган?

Саримиш дараси ва ғоридаги ибтидоий суратлар бу ўлканинг энг қадимий маданият бешикларидан бири эканидан дарак бермайдими?

Нуротадаги эски тўғон-чи? Янглишмасам, бу тўғон Марказий Осиёдаги энг қадимги сув иншоотларидан бири-ку?

Бугун тақир саҳро бағрида Навоий каби кўркам шаҳарнинг қад ростлаб турганининг ўзи бир мўъжиза эмасми?

Навоийликлар фахр этса ва ўзгаларга кўз-кўз қилса арзийдиган нарсалар, буюк аждодларимиз ақлу заковати билан бунёд этилган тарихий, маданий ёдгорликлар озми?

Бунинг қадрига етиш, таърифу тавсифини жой-жойига қўйиш, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда тараннум этиш учун, энг аввало, шу юрт фарзандларида чин эътиқод, чин муҳаббат ва чинакам ихлос бўлиши керак, деб ўйлайман.

Энди зикр этилмиш савобли ишларга бош-қош бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлмиш вилоят оммавий ахборот воситаларининг аҳволига назар ташлайлик.

Афсуски, вилоятда "Тўртинчи ҳокимият" вакиллари ўзларининг асосий вазифаларини унутиб қўйишган кўринади. Чоп этилаётган мақола, берилаётган эшиттириш ва кўрсатувлар муаллифлари нуқул майда ютуқларни мақташдан нарига ўтмаяпти. Сиёсатимизнинг устувор йўналишлари, уни вилоятда амалга оширишдаги камчиликлар рўй-рост ёритиб берилмаяпти.

Аслида ёзаман, кўрсатаман, деган мард мухбир учун вилоятда муаммо ва нуқсонлар камми?

Яқинда вилоят газетасида пахта терими мавзуига бағишланган бир кичик мақола босилди. Нима экан денг, жаноб Ғаффоровнинг турмуш ўртоқлари катта бошларини кичик қилиб, пахта териш учун далага чиққан эканлар! Ана, сизга сенсация! Ана, сизга оламшумул янгилик! Буни ўқиб, беихтиёр мухбирга бундан бошқа гап қуриб қолганмиди? Уят, диёнат ва инсоф борми ўзи, дегингиз келади.

Кўриниб турибдики, вилоятда тўпланиб қолган муаммолар жуда кўп. Уларнинг сабаби эса битта — вилоят раҳбари, аччиқ бўлса ҳам айтиш жоизки, вилоятнинг аксарият фаолларида узоқни кўзлаб ишлаш, изланиш бўлмаган.

Мухтасар айтганда, вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазият таҳлили аҳволни тубдан ва кескин ўзгартиришни тақозо этади.

Бунинг учун эса вилоят раҳбари давлат ва халқ манфаатини, қонун ва адолатни, оддий халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун билиши керак.

Вилоят раҳбари каттаю кичик, ёшу қари — жамики вилоят аҳлининг бошини қовуштириши, уларни улуғ мақсад, бунёдкорлик ишлари, фаровон ва буюк келажак йўлида жипслаштириши, сафарбар этиши, халқнинг бор куч-ғайратини мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтирмоғи керак.

Республикамизда энг катта ҳудудга ва қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Навоий вилоятининг бойлиги — унинг оғир-вазмин, ориятли ва меҳнаткаш халқидир, деди Ислом Каримов пировардида. Бу халқнинг кўнглини топган, юрагига кириб борган, дарду ташвишларига ошна бўлган раҳбар ўзини бахтиёр деб билса арзийди. Чунки бундай халқ билан ҳар қандай муаммони еча бўлади.

Ёруғ истиқбол учун каттаю кичик аҳиллик билан, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, ўйлайманки, вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тезлашади, аҳолининг фаровонлик даражаси юксалади.

Энг муҳими, халқимизнинг аҳиллиги, адолатга ишончи, шу орқали меҳнатга муносабати, шижоати ошади.

**(ЎзА)**

---

## САОДАТНОМА

# МЎЪЖИЗАНИНГ ТУҒИЛИШИ

Бу мўъжазгина қишлоқ юртимиздаги шу каби юзлаб-минглаб аҳоли манзилларидан асло фарқ қилмайди. Аммо унинг номи, шуҳрати, шони бугун олам аро маълум ва машҳур. Чунки бу муқаддас заминда муҳаддислар султони, бутун дунёнинг имоми Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий ҳазратлари мангу ором олиб ётибдилар.

Ер юзининг сайқали бўлмиш азим Самарқанддан ўттиз чақирим нарида жойлашган бу табаррук маскан ал-Бухорийдек азиз зотнинг шарофати билан орадан 1225 йил ўтиб мисли кўрилмаган даражада обод бўлди. Бобокалонимизнинг ўлмас руҳи поклари ўн икки асрдан кейин ҳам одамларни эзгулик ва яхшилик, инсоф ва диёнат йўлида бирлаштириб, уларни ўз фазлу карамидан баҳраманд этиб турибди.

Бугун бу ерда қад ростлаган олий иморатлар, масжиду мадраса, кутубхонаю қироатхона, меҳмонхонаю ошхоналар — барчаси ўзининг улуғворлиги ва бетакрор меъморий ифодаси билан кишини ҳайратда қолдиради. Буюк ватандошимиз хотирасига атаб барпо этилган боғу боғчалар, хиёбонлардаги ҳар бир дарахт, ҳар бир гиёҳ улуғ бобомизнинг ҳақларига тасбеҳ айтиб тургандек...

Февраль ойида мана шу жойлар ўйдим-чуқур хандақлардан иборат эди, десангиз бугун биров ишонмайди. Хайриятки, тарихни мангуга муҳрлайдиган фото, видео, кино деган ажойиб воситалар борки, улар бизни лофчиликда айбланишдан сақлайди. Бор-йўғи етти-саккиз ой мобайнида ана шу мислсиз мажмуа бино бўлди.

Президентимиз топиб айтганларидек, ***«бу қутлуғ масканни бунёд этган усталаримизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга арзийди... Бир сўз билан айтганда, унинг бунёдкори бутун Ўзбекистондир».***

Бугун ал-Бухорий зиёратгоҳига келаётган минглаб юртдошларимиз, хорижий меҳмонлар унинг нилий гумбазларига боқиб, «Мўъжиза! Оллоҳнинг қудрат ва марҳаматидан бир нишона бу!» деб таъкидламоқдалар.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу муқаддас қадамжо чиндан ҳам мўъжизадир.

Аммо эзгу орзулар, олижаноб ниятлар ўз-ўзидан мўъжизага айланмайди.

Мўъжизалар замирида минг-минглаб инсонларнинг ақл-заковати, меҳнат-машаққати, беором, уйқусиз кечалари, фидойи заҳматлари, қалб саховатлари ётади.

Мўъжизалар замирида ана шу минг-минг одамларнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг саъй-ҳаракатларига қанот берадиган, эл-юртининг камоли, халқининг омонлиги, фаровонлигини ўз ҳаётининг мазмуни, ўзи учун олий саодат деб биладиган Миллат Сардорининг беҳаловат фаолияти ётади.

Хўш, Имом ал-Бухорийнинг улуғ нуфузи ва мислсиз мақомига ғоят муносиб бўлган бу меъморий мўъжиза қай тариқа дунёга келди?

***«Бу ёдгорлик мажмуи Ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган улуғ ватандошимиз, Ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Шаҳрисабз халқ усталарининг олтин қўллари билан барпо этилган».***

**Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи дарвозаси пештоқидаги ёзув.**



Меъмор Абдуқаҳҳор Турдиев ҳикоя қилади:

— Бизнинг ижодий гуруҳимиз 1997 йил давомида Имом ал-Бухорийга бағишланган ёдгорлик мажмуи лойиҳасининг дастлабки вариантлари устида иш олиб борди. Декабрь ойида лойиҳа бир гуруҳ мутахассислар, мутасадди раҳбарлар иштирокида муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов ҳузурида муҳокама қилинди.

Президент ҳар биримизнинг фикримизни диққат билан эшитдилар. Ҳаммамиз бирин-кетин мулоҳазаларимизни билдиргач, у киши менга юзланиб шундай савол бердилар:

***«Мана шу ёдгорлик мажмуининг асосий нуқтаси, сизнингча, нимадан иборат?»***

Табиийки, мен ўз тушунчам бўйича жавоб берган бўлдим. Шунда Ислом ака бироз ўйланиб турдилар-да, ғоят муҳим ва зарур фикрларни баён қилдилар, биз ёзиб олдик. Бу фикрлар кейинчалик бутун лойиҳалаш ва қурилиш ишларида биз учун асосий дастур бўлиб хизмат қилди:

***«Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуидаги бош нуқта — бу алломанинг қабр-мақбарасидир,*** — дедилар Президентимиз. — ***Бутун дунёдан миллионлаб одамлар, аввало, шу қабрни зиёрат қилиш учун, ўзларини поклаш, руҳий тозариш, савобга дохил бўлиш учун келадилар.***

***Binобарин*** — 

***Бинобарин, лойиҳадаги бош нуқта мақбара бўлса, лойиҳанинг асосий мазмуни нимани ифода этиши керак?***

***Менинг назаримда, биз меъморий ечимнинг марказига ал-Бухорий қабр-мақбарасини қўйишимиз зарур. Бу муқаддас даргоҳ эшигидан ким-ки кириб келмасин, унинг кўзига, энг аввало, улуғ аждодимизнинг абадий оромгоҳи ташланиши керак. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, мақбара — бутун мажмуанинг бош ғояси, мафкурасидир.***

***Кўриниб турибдики, лойиҳанинг ҳозирги вариантида қабр умумий ансамблдан узилиб, бир четда кўримсизгина бўлиб қолган.***

***Хўш, уни қандай қилиб ўртага оламиз? Меъморий пропорцияларни қандай тузамиз?***

***Агар мақбара ҳовлининг ўртасида бўлмай, бир четкада қолиб кетса, унда ёдгорлик мажмуининг баҳоси икки пулга ҳам арзимайди. Демак, ён-атрофда қуриладиган иморатлар, яъни масжид, меҳмонхона, қорихона, кутубхона ва бошқа иншоотлар мақбара билан узвий меъморий уйғунлик ва мутаносибликда барпо этилиши шарт».***

Муҳокама жараёнида Президент бўлғуси мажмуанинг ўзига хос қиёфага эга бўлиши лозимлигини қайта-қайта уқтирдилар:

***«Биз Ислом дунёсидаги кўплаб муқаддас обидаларни биламиз, эшитганмиз, кўрганмиз. Мана, Мадинаи Мунавварадаги табаррук қадамжолар дейсизми ёки Маккадаги зиёратгоҳларни оласизми, албатта, улар бутун оламга машҳур. Лекин Имом ал-Бухорий мақбараси уларнинг барчасидан ажралиб туриши, ўзига хос ва ўзига мос бетакрор қиёфаси, шаклу шамойили билан кўрган одамни лол қолдириши керак.***

***Бу ёдгорлик тимсолида ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган меъморий анъаналар, Шарқ фалсафасининг юраги бўлган Самарқанд, Бухоро, Хиванинг тарихий обидаларида акс этган бекиёс бинокорлик услублари яққол ифода топиши зарур.***

***Бағдод, Қоҳира, Байрут, Дамашқ, Истанбулда улуғ-улуғ обидалар бор. Ана, Қуддуси шарифда оқ тошдан қурилган Ал-Ақсо масжиди бор. Биз, албатта, уларни муқаддас маконлар деб тан оламиз. Лекин улардан нусха кўчириш йўлидан бормаслигимиз керак. Чунки нусхакашлик шу буюк обидаларнинг ҳам, ал-Бухорий мақбарасининг ҳам қадрини туширади, ўзига хослигини йўқотади,*** — деб таъкидладилар юртбошимиз. — ***Шунинг учун ҳам масжид, меҳмонхона, ҳовли йўлакларини, гумбазлар ва дарвозаларни лойиҳалаш ва бунёд этишда Амир Темур, ат-Термизий, Баҳоваддин Нақшбанд мақбараларидан андоза олинглар. Шу билан бирга, уларга замонавий шакллар ҳам омихта қилинса, кўркига-кўрк қўшилиб, салобат ва улуғворлиги янада ортади».***

Шу муҳокамада ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг бинокорлик материаллари қандай бўлиши лозимлиги ҳақида сўз борди. Ислом Абдуғаниевич бу борада ҳам аниқ ва пухта кўрсатмалар бериб, жумладан, шундай деганлари ҳозир ҳам эсимда турибди:

***«Бизда азалдан тарихий-меъморий обидалар пишиқ ғиштдан барпо этилган. Бунда табиий иқлим шароитларимиз, ташқи муҳит таъсири ҳар томонлама ҳисобга олинган. Иморатларнинг деворларигина эмас, ҳовлилар, масжид-мадрасаларнинг саҳнлари ҳам пишиқ «мусулмоний» ғишт билан қопланган. Ал-Бухорий мажмуини қуришда биз ҳам шундай қилишимиз керак.***

***Мен буни алоҳида таъкидлаб айтаётганимнинг боиси шуки, айрим қурувчи раҳбарларимизда бетонпарастлик касали бор. Уларга қолса, буюк муҳаддиснинг хотирасига атаб қураётган шу табаррук зиёратгоҳимизни ҳам Мирзачўлдаги темир-бетон сув иншоотларига ўхшатиб бирпасда юмалоқ-ёстиқ қилиб ташлашлари мумкин. Шунинг учун бу масалага жиддий эътибор бериш зарур».***

Президент шундай деб яна йиғилганларга савол билан мурожаат қилдилар:

***«Қани, айтинглар-чи, агар биз ўз миллий анъаналаримизга мос иморатлар қурмоқчи бўлсак, ота-боболаримиздан қолган биноларнинг энг асосий жиҳатлари нимадан иборат?»***

Сўнгра бизнинг жавобимизни ҳам кутиб турмасдан ўзлари шундай деб давом этдилар:

***«Биринчиси — ғишт, иккинчиси — устун. Миллий иморатсозлигимизнинг икки асосий таянчи шу.***

***Шунинг учун ҳам ал-Бухорий масжид-мақбараси мажмуида ўша «мусулмоний» ғиштдан топиб ишлатасизлар. Безаш ишларида Ўзбекистонимизнинг бебаҳо ранг-баранг бинокорлик тошларидан кенг фойдаланиш лозим. Ҳовлининг меъморий нисбатларини белгилашда ҳам миллий-маҳаллий анъаналарни асос қилиб олиш керак.***

***Яна бир топшириқ шуки, мақбаранинг икки томонидан олди очиқ, катта баҳаво айвон қуришни режалаштирасизлар. Айвонга етмиш тўртта ўймакор устун ясаб ўрнатасизлар. Устунларнинг сифатига, айниқса, ёғочига алоҳида эътибор беринглар. Чинор, арча, ёнғоқ, гужум каби маҳаллий дарахтлардан бўлсин. Устунларнинг бир қисмини Хоразм усталарига, бир қисмини Самарқанд ва Бухоро усталарига, яна бир қисмини фарғоналик усталарга буюртма бериш керак. Айвон шифтларини безаш ишларида ҳам барча вилоятларнинг усталари иштирок этсин. Шундагина у чинакам умуммиллий, умумхалқ ёдгорлиги бўлади».***

Технологик нуқтаи назардан, қолаверса, ишларни тезлаштириш учун мажмуага бирор-бир қурилиш трестини жалб қилиш, очиғи, ҳам қулай, ҳам осон эди. Аммо юртбошимиз, шу каби мулоҳазалар туғилиши мумкинлигини олдиндан сезгандек, пировардида, шундай дедилар:

***«Биз улуғ ва савобли, тарихларда қоладиган бир ишга қўл урмоқдамиз. Унинг аҳамияти, қадр-қиммати йиллар, асрлар ўтиб билинади. Ватанимизнинг қайси бурчагидан бўлмасин, шу қурилишда иштирок этган ҳунарманд усталар ўзларининг ишларини умрбод эслаб юрадилар. Уларнинг фарзандлари эса оталари билан, уларнинг шу заминда қолдирган бунёдкорлик ишлари билан доимо фахрланиб юради. Бу — масаланинг тарбиявий томони.***

***Мажмуани барпо этишга қанча кўп мўмин-мусулмонлар ҳисса қўшса, ўйлайманки, нафақат шу одамларнинг ўзлари, балки Имом Бухорий бобомизнинг ҳам арвоҳлари шод бўлади. Халқимиз, миллатимиз шундай улуғ ишлар, улуғ ғоялар атрофида, руҳий-илоҳий асосларда бирлашади. Бу — савобга дахлдор бўлиш истаги, эзгуликка интилиш туйғуси. Бундай ватандошларимиз қанчалик кўп бўлса, ишончим комилки, Оллоҳ биздан шунчалик рози бўлади».***

Биз — меъморлар, қурувчилар, усталар Президентимизнинг шу сўзларидан илҳомланиб, янада куч-ғайрат билан ишга киришдик. Бу орада юртбошимизнинг юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазалари асосида лойиҳанинг янги варианти дунёга келди.

Кейинчалик ҳам Ислом ака бу мавзуга бир неча бор қайтиб, ҳар сафар янги-янги ғоялар ва таклиф-ташаббуслар билан лойиҳани тўлдириб, бойитиб бордилар.

Шу йилнинг ёзида эса қурилиш майдонига махсус ташриф буюриб, амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Ҳар бир иморат, ҳар бир дарвозани синчиклаб кўздан кечирдилар, фавворалар қуриш, мақбара ҳовлисидаги қадимий ҳовузнинг табиий ҳолатини сақлаб қолган ҳолда таъмирлаш, сағанадан дахмага тушиладиган йўлакни қандай асосда қуриш, қандай қандиллар ўрнатиш, мармартошларнинг сифатидан тортиб ранг танлаш масаласигача қимматли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бердилар.

Шунинг учун ҳам биз Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг бош меъмори Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовдир, деб тўла асос билан айтамиз. У кишининг бевосита раҳбарлигида мен каби оддий бир меъморга шу буюк ишларда иштирок этиш шарафи насиб этганидан умрим борича ифтихор қилиб юраман.

Абдуқаҳҳор ака айни ҳақиқатни сўзладилар. Биз шуни қўшимча қилмоқни жоиз деб биламизки, нафақат Имом ал-Бухорийнинг, балки Амир Темурнинг, Баҳоваддин Нақшбанднинг, Мирзо Улуғбек ва Бобур Мирзонинг, Аҳмад Фарғоний ва аз-Замахшарийнинг ва яна бошқа ўнлаб улуғ аждодларимизнинг мангу оромгоҳларини обод қилиш, меросларини ўрганиш, хотираларини абадийлаштириш фикри Президентимиз юрагида истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ пайдо бўлганлиги, шубҳасиз.

Ҳазрати Бухорий боқий уйқуда ётган бу сокин ва муборак масканга ҳар сафар йўллари тушаркан — гоҳ мусулмон мамлакатларидан ташриф буюрган давлат бошлиқлари билан, гоҳ эса бошқа бир муносабат билан бу даргоҳга зиёратга келганларида, юртимиз раҳбари уни мана шундай муаззам ҳолатда, обод ва улуғвор қиёфада кўришни орзу қилган, хаёлан қайта-қайта режалар тузган бўлсалар, ажаб эмас.

Шунинг учун бўлса керак, у киши бундан беш йил муқаддам — 1993 йил 19 октябрда шундай деб ёзган эдилар:

***«Диёримиз ўғлони, халқимизнинг муносиб фарзанди ва буюк муҳаддис Имом Исмоил ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш мен учун улуғ ва шарафли вазифани адо этиш билан баробардир... Келажакда бу макон Ислом аҳли учун муқаддас қадамжо ва ғоят гўзал зиёратгоҳлардан бирига айланишига ишончим комил».***

Парвардигорга шукурлар бўлсинки, орзуларимиз ижобат бўлган мунаввар кунларга ҳам етиб келдик.

Шу эзгу орзуларнинг ушалгани барчамизга, энг аввало, йўлбошчимизга муборак бўлсин!

Тўйдан кейинги ўйларимизни Президентимизнинг шу қутлуғ маросимда айтган ушбу сўзлари билан якунласак, назаримда, хато қилмаган бўламиз:

***«Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига, албатта, Оллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас Қуръоний оятда таъкидланганидек, «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир».***

**Хайриддин СУЛТОН.**

ТАҲЛИЛ



# БОҒНИ ПАРВАРИШ ҚИЛМАСАНГИЗ... УЗУМИНИ ЕЁЛМАЙСИЗ

Сурхондарё вилояти «Мевасабзавот» ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимидаги хўжаликларда ўтган йили ҳар бир туп мевали дарахтдан ярим челакдан ҳосил олинди.

Бирлашманинг йигирмадан зиёд хўжалиги ва бу хўжаликларнинг 1566 гектар ҳосилга кирган боғи бор. Шу майдонлардан бултур 5105 тонна мева йиғиштириб олинди. Бирлашма бўлим бошлиғи Х. Болтабоевнинг гапни илмга боғлаб, бир гектар боғда ўртача 600 туп мевали дарахт ўсади, деб айтгани рост бўлса, бизнинг ҳам ярим челак ҳақидаги фикримизни ёлғонга чиқаролмайсиз.

Ҳар қачон бўлганидай, бу йил ҳам вилоятнинг соҳибкорлари пишиқчилик олдидан кенгашиб, аччиқ-чучук гапларни ўртага ташлаб, маслаҳатлашиб олдилар. Кенгаш давомида республика Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил ҳосили — мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни бажармоқ учун бултурги камчиликларни такрорламаслик, имкониятлардан дурустроқ фойдаланиш, тажриба ўрганиш жиҳатларига эътибор қаратилди.

## БИР ГЕКТАР ЕРДАН 600 МИНГ СЎМ ДАРОМАД

Шундай даромад олаётган боғбонлар — Сариосиё тумани, Гулат Хидиров номли жамоа хўжалиги, Носирхон Тўрақулов бошлиқ деҳқон-фермер хўжалигининг аъзолари.

Носирхон бобонинг кўкрагига тушган соқолию бошидаги салласига қараб, адашманг. Зиёли одам. Олий маълумотли ҳосилот. Кўп йиллар масъул вазифаларда ишлаган.

Эллик уч ёшида Носирхон қишлоғига қайтиб келди. Кўчат ўстириб, тирикчилик қилди. Сўнг Ҳасанхон, Оқпечак, Туябўйин массивларида мевали боғлар яратди. Тўқсон бешинчи йилда фермер хўжалигини тузди. Хўжаликка «Боғи-бўстон» деб ном қўйди. Ўзи раис бўлди ва тўқсон еттинчи йилга келиб, «стар кримсон» деган олмалари шиғиллаб ҳосил тугди. Ҳар олмаларки, чойнакдай. Рангларини кўринг - бахмалдай. Бозоргир. Икки ярим миллион сўм даромад олди. Носирхон бобонинг ҳар бир туп олма дарахти беш челак — 42 килограммдан ҳосил берди. Ўша икки ярим миллион сўм йигирма кишига маош сифатида тақсимланди.

Энди, етмишга кирган, қамчини дастасидан тишлаб олиб, отига енгилгина миниб оладиган бу одамнинг режаларини эшитинг-да. Ҳозир улар 130 гектар ерда (шунинг аксарияти лалми ерлар) олма ўстиряпти. Қия адирликларда бир текис ўстирилган, қатор оралари ҳайдалган, бўғизлари ағдариб қўйилган олма дарахтларини кўрсангиз, баҳри-дилингиз очилади.

Яна икки йилдан сўнг бу лалми адирдаги боғлар тўла ҳосилга киради. Яна икки йилдан сўнг «Боғи-бўстон»» икки минг тонна олма етиштириш имкониятига эга бўлади. Демакки, килограммини ўртача эллик сўмдан сотсами, 100 миллион сўм нақд даромад олади.

Ҳозир кўрсангиз, Носирхон бобонинг қўлтиғида папка. Папканинг ичида тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда тўлдирилган қоғозлар. Энди Газарак қишлоғига кичкина бўлса-да, мевани қайта ишлайдиган завод олиб келсамми, деб юрипти.

«Боғи-бўстон» хўжалиги қишлоқда тиббий маскан, наввойхона, сартарошхона, пойафзал таъмирлаш хонаси қурди. Йўлларни созлаяпти. Энди бозор қуришмоқчи.

## «БОҒЛАРИМИЗДАН БОЛ ТОМАДИ»

Ишонсангиз, ўтган йили Жарқўрғондаги «Чорвоқ» фермер хўжалиги ҳар бир туп мевали дарахтдан 2,8 килограммдан ҳосил олипти. Бир гектар мевазор хўжаликка 8 минг, бир гектар узумзор 20 минг зарар келтирипти.

Мендан бу гапни эшитиб, «Дашнобод» (Сариосиё) хўжалиги бош ҳосилоти Нурмат Каримов ажабсинди. Боғ-роғ — бу ҳам хазина. Боғи борнинг бойлиги бор-ку, деди. Ва ўзининг бу гапларини «Дашнобод» мисолида қуйидагича шарҳлаб берди.

Хўжаликнинг бир ярим минг гектардан зиёд боғи бор: анор, хурмо, олча, ёнғоқ, 180 гектарда лалми олмазор... Пўлат Давлатов деганлари бу йил биринчи марта олча қоқисини тайёрлапти. Харидор нақд — «Кока-кола» компанияси! Анжирни ҳам бу йилдан бошлаб қуритиб олаяптилар экан.



Бу йил бўлса яна бир тажриба синаб кўрилади. Узум қиш фаслида ҳам токнинг ўзида сақланади. Узумнию, биласиз, шираси мўл. Қишда совуқ урмайди. Яхши қўриқласалар, бас, мўл-кўл даромад.

— Қайта ишловчилар билан, банк билан муомалаларимизнинг қўри бўлмаяпти, — дейди Нурмат ака бошини чайқаб. — Бу йил, масалан, токзорларимизга антрогноз деган офат хуруж қилиб қолди. Химикат сотиб олайлик, деб пул сўраб банкка борамиз. Йўқ. Ўз пулимизни ўзимиз ололмаймиз. Чўнтак телефонларни кўриб ҳавасим келади. Банк, савдо-сотиқ, маркетинг муомалаларини шу телефон ёрдамида бажарсанг-у, бошқа нарсага алағда бўлмай меҳнат қилсанг...

## «ОЛ ТОВОҒИМ, БЕР ТОВОҒИМ»,

деган ҳикматга амал қилиб борилса, боғдорчиликдаги ишларимиз ҳамма жойда юришиб кетади, деган гап билан тугатди бош ҳосилот мулоҳазаларини. Шўрчи туманидаги «Полвонтош» жамоа хўжалигининг раиси Нормўмин Тошмиров бўлса бундай деди:

— Денов вино-ароқ заводи сочимизни оқартириб юборди. Бултур 670 тонна узум сотгандик уларга. Қани энди пулини ҳозиргача ололсак. Бу йил ҳам ўртамизда минг тонна узум сотиш шартномамиз бор. Пулини вақтида олишдан бўлса умид йўқ. Ай, товоқ олганингдан сўнг қайтариб беришни ҳам бил-да, шоввоз, дегинг келади.

— Дашнободлик агроном тўғри айтипти. Мева-узум ҳам туганмас хазина, — деб гапини давом эттирди раис. — Хўжалигимизнинг 208 гектар узумзори бор. Бултур ҳар гектар ердан олган даромадимиз 140 минг сўмга тўғри келди. Вилоятимизнинг кўламида олиб қаралса, бу энг баланд кўрсатгичлардан бири. Лекин бир кило узумни 15 сўмдан сотиш... Гап бўптими шуям. Ҳозирги даромад даражасини икки... тўрт-олти бараварига ошириш имкониятлари турипти. Фақат... яхши ишламаяпмиз.

Менимча, вилоятда боғ-токзорларни лалми ерлар ҳисобига икки-уч баравар кенгайтириш керак. Илм-фанда ҳозир экинларни томчилатиб суғориш деган гап чиққан. Ғўзани томчилатиб суғориш — қийин иш. Ғўза бир гектар ерда юз минг туп бўлади, ахир. Сув томиб туриптими-йўқми, деб қайси бирини кузатиш мумкин? Лекин бу тажрибани боғдорчиликда қўлласа самарали бўлар. Бир нарсани айтай: ғўза — сувсевар экин. Ўзи майдагина бўлгани билан бир туп ғўза бир туп бодом ёки олма, ток дарахтидан кўп сув талаб қилади. Томчилатиб суғоришни боғдорчиликда қўллаш маъқулроқ деганим шундан.

* * *

Носирхон бобо, юк мошинам йўқ, мошинам бўлганда олмаларимни катта-катта бозорларга ўзим олиб чиқардим, ҳозиргидан икки баробар зиёда даромад қилардим, дейди.

Қўша-қўша мошинаси бор, мана мен деган хўжаликларнинг раислари бўлса тескариси — узумию мевасининг пайкалига мошина етаклаб борган тижоратчига бозор нархидан икки баравар арзонга пуллаб қўя қолади. Масалан, вилоят «Мевасабзавот» ишлаб чиқариш бирлашмаси шу йилнинг биринчи ярмида экспортга 60 минг долларлик маҳсулот чиқармоғи лозим эди. Режа бор. Ваъда бор. Энг муҳими, имконият бор. Сурхондарёнинг тупроғидан қишин-ёзин бол томиб туради. Ёзни айтмайлик, қишда ҳам хурмо, лимон, ерёнғоқ, бошқа қуруқ мевалар... Лекин четга мол чиқариш кўнгилдагидай эмас. «Мевасабзавотузум-холдинг» компанияси вилоят бўлимида ҳам шу — бозор қарашга, бозор топишга, жой топишга астойдил уриниш йўқ, изланиш йўқ.

Вилоят деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси Райимқул Чоршанбиев яқинда бўлиб ўтган йиғилишларнинг бирида томорқачиларни мақтаб қолди. Томорқачиларимиз 7 минг тоннага яқин мева, сабзавот ва узумни четга чиқарди, деди. Ҳалоли бўлсин ўша томорқачилару томорқадан олган маҳсулотини узоқ-узоқ бозорларга элтаётган ишбилармонларнинг.

Лекин шу ерда бир савол туғилиши табиий. Бирлашма хўжаликларининг томорқачилардан ортда қолиб кетаётганига изоҳ борми? Бирлашма таркибидаги боғ-токзорларнинг атиги тўртдан бир қисми ижарага берилган. Бандихон туманида, масалан, боғ-узумдан тушадиган ижара ҳақини хазинага кирим қилиш 2-3 фоиздан ошмайди. Бу бўлса туманда ижара тажрибаси жорий этилмаганини ёки ижарачилар даромадлари яхши ҳисоб-китоб қилинмаётганини билдиради. Эҳтимол, соҳани ривожлантиришга шунга ўхшаш ишни ташкил этишдаги уқувсизликлар халақит қилаётгандир?

Мен молини экспорт қилаётган томорқачи ва тижоратчиларнинг рўйхатига кўз югуртирдим. Бирови 10, яна бирови 20 тонна узумни ёки тарвузни четга олиб кетаяпти. Тегишли идоралар бу маҳсулот мазкур кишининг ўз томорқасида етиштирилган, деб қоғоз бераяпти. Энди, ўша «мазкур»нинг томорқасида бир узишда йигирма тонна узум берадиган пайкали бормикан, деган гап кўнгилдан ўтади. Ўша «мазкур» хўжаликнинг раиси билан гапни бир ерга қўйиб олиб (эҳтимол-да), мошинасини ўша хўжаликнинг боғидан тўлдириб олмаяптимикан? Ўша раис, така бўлсин — сут берсин, қабилида иш тутиб, тижоратчининг майин муомалаларига кўнгли ийиб, бозор талабларию элнинг, кўпнинг манфаатини унутиб қўймаяптимикан?!

Ҳарқалай, бу соҳани ривожлантириш, экспортга мол чиқариш, боғ-роғлардан мўл ҳосил, мўмай даромад олишни таъминлащ иқтисодий ислоҳотларга жиддий ёндашишни, юрт манфаатларига фидойилик кўрсатишни тақозо қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг биз юқорида эслаб ўтган қароридан келиб чиқиб, сурхондарёликлар ҳам узумни 1,6 баравар, мевани 1,3 баравар кўпайтирамиз, деб туриптилар. Энди, бир дарахтдан олинаётган ярим челак мевани шунчага кўпайтириш... камлик қилмайдими? Ахир, Носирхон бобонинг «старкримсон» олмалари фақат Ҳисорнинг эмас, бир томони Кўҳитанг, яна бир томони Боботоғ лалми ерларида ўстирилса, бошқалар ҳам Тошмамат Ражабовга (Шўрчи) ўхшаб гектаридан 140 центнердан узум етиштирса, челаклару омборлару хазиналар тўлиб тошиб қолмайдими...

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

### ДЕМОКРАТЛАР ҒАЛАБАСИ

АҚШда 3 ноябрь куни бўлиб ўтган оралиқ сайловларда республикачилар Конгрессдаги мустаҳкам мавқеини сақлаб қолди ва штатлардаги қонунчилик кенгашларида ҳам улар кўпчиликни ташкил этади. Бироқ демократлар ҳам Конгрессда, ҳам қонунчилик кенгашларида қўшимча ўринларга эга бўлиб, уларнинг позициясини анча заифлаштириб қўйди.

Атиги икки ҳафта олдин жамоатчиликнинг мазкур сайловда республикачиларнинг ғалабасига ишончи баланд эди. Бироқ республикачилар Президент Клинтоннинг Моника Левински билан можаролари юзасидан лавозимидан истеъфо беришини талаб қилгани сайин уларга аҳолининг эътиқоди пасайиб борди. Сайловчилар бу можаронинг ҳадеб давом эттирилишини истамади.

Гарчи Президент бу йил сайловда ўз номзодини қўймаган бўлмаса-да, лекин сайловчилар унинг истеъфо беришига рози эмаслигини оралиқ сайлов жараёнида намойиш этди. Улар Клинтоннинг ички ва ташқи сиёсий фаолиятини маъқулламоқда ва мамлакат иқтисодининг аҳволидан мамнун эканлигини изҳор этмоқда.

Сайловлар тугагач, Клинтон баёнот бериб: “Сиёсатни бир чеккага қўйиб, мамлакат фуқароларининг муаммолари билан шуғулланиш пайти келди”, деб айтди.

АҚШ Президенти саволларга жавоб бера туриб, яна: “Бўлиб ўтган сайлов тараққиёт — партиявий манфаатлардан, одамларнинг турмуши — сиёсатдан устун, деган сиёсий йўлнинг тўғри эканлигини яна бир карра исбот қилди”, — деди.

### ИМТИЁЗЛИ ҚАРЗ

**БИШКЕК.** Япония ҳукумати қарийб беш йилдан буён Қирғизистон тиббиёт ходимларига кўмак бериб келади. Моддий етишмовчилик туфайли оқсаётган соҳа — тиббиётни ривожлантириш учун Япония ҳукумати Қирғизистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига имтиёзли қарз беришга қарор қилган. Қирғизистон соғлиқни сақлаш вазирининг таъкидлашича, Япония ҳукумати мамлакатдаги онкология марказини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун яна имтиёзли қарз бериш масаласини кўриб чиқмоқда.

### СОҒЛИК АФЗАЛМИ, БОЙЛИК?

Иқтисодий аҳволнинг ночорлиги боис Шимолий Корея маблағ топиш мақсадида турли мамлакатлардан саноат чиқиндилари, эски-туски буюмлар қабул қилиб олмоқда. Япониянинг «АСАХИ» газетаси хабарига қараганда, булар пластмасса ҳамда электрон буюмлар, қурилиш чиқиндиларидан иборат.

Маълум бўлишича, КХДР АҚШ дан 1 тоннасига 200 доллар бериш ҳисобига 10 минг тонна уй чиқиндиларининг мамлакатга олиб кирилишига рози бўлган.

Хабарларда қайд этилишича, чет элдан чиқиндилар олиб кириш ҳисобига валюта ишлашга интилаётган ташкилотлар асосан давлат муассасаларидир.

Халқаро экология ташкилотлари бу ҳолдан катта ташвиш билдирмоқдалар.

### ЯНГИ КОНЦЕРН ТУЗИШМОҚЧИ

**БОНН.** Германия автомобилсозлик саноати гигантларидан бири — "Даймлер-бенц" концерни ҳиссадорлари ўз акцияларининг 98 фоизини"Даймлер-Крайслер" АҚШ-Германия қўшма концерни акцияларига алмаштиради, деб хабар берди "Даймлер-Крайслер" концерни вакиллари.

Икки концерн тузган шартномага асосан, янги "Даймлер-Крайслер" концерни тузилиши керак. Унинг акциялари 17 ноябрдан бошлаб савдога қўйилади.

**(ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди).**

*Мардлар қўриқлайди Ватанни*

***Каттақўрғон туман мудофаа бўлинмасининг кенг ҳовлиси хизматга чақирилган навқирон ёшлар билан гавжум. Эндигина ўн етти баҳорни қаршилаётган бу йигитларнинг юзаларида табассум, қалбларида эса она-Ватанга муҳаббат туйғуси жўш уриб турибди.***

# ФИДОЙИЛАР

Мана, бўлажак аскарлар саф тортишди. Туман мудофаа бўлими бошлиғи, майор Эркин Қаюмов бир гуруҳ ота-оналар иштирокида уларга қарата шундай деди: “Азиз ёшлар, бугундан эътиборан сизлар катта имтимҳон олдида турибсизлар. Бу, мустақил Ватанимиз тинчлигини қўриқлаш, она-юртимиз шон-шавкати йўлида садоқат билан хизмат қилиш синовидир. Бугун сиз собиқ совет давридаги сингари бошқа республикаларда эмас, балки ўзимизнинг серқуёш Ўзбекистонда хизмат қиласиз. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларнинг ривожланишида сизнинг бурчингиз, садоқатли хизматларингиз беқиёс аҳамиятга моликдир. Бу борада сизларга мустаҳкам соғлиқ, хизмат бурчларингизни виждонан ўташга омад тилайман”.

Биз шу куни Эркин Қаюмов билан ҳарбий хизматга чақирув ишлари хусусида суҳбатлашдик:

— Мустақиллигимиз шарофати туфайли, -дейди майор, — бугунги ёшларимизнинг дунёқараши ўзгача. Собиқ иттифоқ даврида ўзга юртларга ҳарбий хизматга жўнатилганларнинг ота-оналаридан: “Боламни урибдилар, шунинг учун хизматни давом эттиришдан бош тортаяпти” деган шикоятлар кўп бўларди. Бугун эса бутунлай бошқача. Ёшларнинг ўзлари “Мени хизматга юборишингизни сўрайман” деб бўлимимизга мурожаат қилишмоқда. Масалан, 1981 йилда туғилган Мансур Ўролов шундай ариза билан илтимос қилди. Биз ундан хизматга бунчалик иштиёқи зўрлигининг сабабини сўраганимизда, у “Мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталиги ёшу кекса — барчамизга боғлиқ. Президентимиз айтганларидек, “Ватан бизга нима берди, биз Ватанга нима беришимиз керак?” шиори билан яшагим келади”, — деди. Шаҳар ва туманимизда ана шундай қалби олов, ватанпарвар, элпарвар ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

**— Республикамизнинг турли жойларида хизмат қилаётган каттақўрғонликлар номига қисм бошлиқларидан ташаккурномалар келиб турадими?**



— Бундай ташаккурномалар асосан уларнинг ота-оналарига юборилади. Ўтган йили Қорақалпоғистонда йигитлик бурчини ўтаган Отабек Шодиевнинг онаси ўғлининг яхши хизматлар учун ана шундай ташаккурнома олганлигини бизга қувониб айтиб берди.

Дарвоқе, шаҳар мудофаа бўлими жамоаси ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларнинг ота-оналари билан тез-тез учрашиб туради. Улар ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида суҳбатлар ўтказадилар. Бу борада, айниқса, лейтенант Юсуф Жўрақулов, сержант Собир Бозоров, бўлинма хизматчиси Зайниддин Ҳакимовларнинг жамоатчилик ўртасида олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Улар нафақат шаҳар мактабларида, балки туманнинг узоқ жамоа хўжаликлари, қишлоқларида ҳам бўлиб, хизматни ўтаётган ёшларнинг ота-оналаридан хабар олишади, кўнгил сўраб, керак бўлса, амалий ёрдам беришади. Кейинги икки ой ичида “Буюк Турон”, “Зарафшон”, Орзи Маҳмудов номли жамоа хўжаликларида, шунингдек, “Навбаҳор”, Абдулла Мўминов, “Ҳожиқурбон” маҳаллаларида шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Туманда муқобил хизматга чорлаш ишлари ҳам тўғри ташкил этилган. Бу ҳақда майор Муродулла Мадалиев қуйидагиларни гапириб берди:

— Муқобил хизматга асосан чўпонларнинг, II жаҳон уруши қатнашчиларининг фарзандлари, шунингдек, 16 ёшгача бўлган тўрт ва ундан ошиқ укаси бўлган йигитларнигина чақираяпмиз. Бунинг учун бўлимимизда махсус комиссия иш олиб бораётир. Комиссия аъзолари муқобил хизматдагилар фаолиятидан доимо хабардордир...

Ҳовлидан чиқаётганимизда йигитлардан бирининг отасига айтаётган қуйидаги сўзлари беихтиёр диққатимни тортди: “Дада, кўнглингиз тўқ бўлсин, Ватан олдидаги хизматимни шараф билан бажариб, ишончингизни, албатта, оқлайман”.

— Раҳмат, ўғлим, — деди сочларига оқ оралаган ота ўғлини бағрига босиб.

Йигитнинг отасини яхши танийман. У “Бўстон” жамоа хўжалиги ҳосилоти, суяги деҳқончиликда қотган Алиқул Исломов эди. Отахон ўғлининг Ватанимизга нисбатан чексиз садоқатидан мамнунлигини яшира олмади.

Ҳа, каттақўрғонлик йигитлардан қайси бирининг дилига қулоқ тутманг, улар эл-юрт учун доимо хизматга тайёрмиз, дейишмоқда.

**Асқар ЖАЛИЛОВ.**

## ҚИШЛОҚ АҲЛИ МАМНУН

Зарбдор туманида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Бахт” ижара-ширкатлар бирлашмаси аҳолиси шу ернинг ўзида даволанадиган бўлди. Хўжаликда замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Янги шифо маскани барча зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бунинг учун салкам 15 миллион сўм сарфланди. Уни “Жиззахчўлқурилиш” бирлашмаси бунёдкорлари қисқа фурсатда қуриб берди. Айни вақтда бу ерда 46 хонадон табиий газдан баҳраманд бўлди.

**Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.**



*Томчи тома-тома кўл бўлганидек, эл орасида обрў-эътибор ҳам мисқоллаб йиғилади. Бунинг учун эса ўз касбингга меҳр қўйиб, ҳар бир ишни сидқидилдан бажарсанг, бас.*

*Сиз суратда кўриб турган чевар Гулноза Ҳамроева Ғиждувон тумани ипйигирув ва тўқув фабрикасида меҳнат қилади. Кундалик иш режасини ортиғи билан бажариб келаётган Гулнозанинг жамоа орасида ўз обрў-эътибори бор.*

**Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.**

*•ҚАРОР ВА ИЖРО*

# ҲАР НАРСАНИНГ ЎЛЧОВИ БОР

Яқинда Халқаро стандартлаштириш куни нишонланди. Бундай соҳа борлигини ҳали кўплар билмаслиги ҳам мумкин. Лекин мазкур соҳа ходимларининг меҳнати ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ниҳоятда зарур эканлигини айтиб ўтиш жоиз.

Маълумки, замонавий ишлаб чиқаришни автоматик жиҳозларсиз, аниқ ўлчов асбобларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу бор гап. Албатта, ҳар қандай автоматика, асбоб-ускуна, борингки, оддий тарози ҳам йилига бир марта текширувдан ўтказиб турилиши керак. Чунки, халқ мақолида айтилганидек, иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади-да.

Жиззах ҳудудий стандартлаштириш, метрология ва сертификация маркази ходимлари ана шу вазифани, айтиш мумкинки, муваффақиятли уддалаб келишмоқда. Улар дорихоналардаги митти ўлчов асбобларидан тортиб, пахта заводларидаги улкан тарозиларгача кўрикдан ўтказадилар. Ҳозиргача корхона, муассаса, ташкилотлар билан тузилган шартномаларга асосан, уларга тегишли ўлчов асбоблари тўлиқ назоратдан ўтказилди. Айниқса, ёқилғи-мойлаш материаллари сақланадиган сиғимлар обдон, синчиклаб текширилди. Баъзи раҳбарлар метрологнинг вазифасига оддий иш, деб қарашади, ўлчов асбобларини йилига текшириш шарт эмас, деб ҳисобловчилар ҳам бор. Бу нотўғри, албатта. Чунки бузуқ тарози ёки асбобдан ҳамиша сотувчи манфаатдор. Харидор ёки мижоз эса, табиийки, зарар кўради. Йилнинг ўтган даврида ана шундай нуқсонлар сабабли марказ томонидан қирқдан ортиқ жавобгар шахсларга маъмурий чоралар кўрилиб, қирқ минг сўмдан зиёд жарима ундирилди.

Эндиликда марказ тасарруфидаги учта бўлим ички ишлар, солиқ инспекцияси, божхона каби органлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпти. Натижа чакки эмас. Мана, бир мисол. Фуқаро С. Аҳмедов Тожикистондан олиб ўтган умумий баҳоси қирқ икки минг сўмлик юз литр спирт лаборатория кўригидан ўтказилганда, «қўлбола» экани аниқланди ва йўқ қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейин марказ ўз ишларини қайта кўриб чиқиб, тегишли режаларни белгилаб олди. Дастлабки текширишдаёқ «Нурафшон» хусусий дўконида сақланиш муддати ўтган консерваланган кўк нўхат сотилаётгани маълум бўлди. Бир неча ўн минг сўм миқдордаги бу сифатсиз маҳсулот савдодан олиб қўйилди. Жарималар ҳисобидан марказ давлат хазинасига 832 минг сўм маблағ тушириши лозим эди. Бу кўрсаткич 1 миллион 100 минг сўмдан оширилди.

**Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

